



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2013 йил 29 НОЯБРЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 232 (12.543)

Баҳоси эркин нарҳда

КЎКСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 28 ноябрь куни Кўксаройда мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири Ли Кэцянни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, унинг Хитой Давлат кенгаши Бош вазири сифатида Ўзбекистонга илк расмий ташрифи ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг шу йил сентябрь ойида мамлакатимизга давлат ташрифининг мантикий давоми эканини таъкидлади. Мазкур давлат ташрифи яқунлари давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга хизмат қилишини, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини изчил кенгайтиришга янги сурат бағишлаганини қайд этди.

Ўзбекистон учун Хитой ишончли ва муҳим шерик бўлиб, ушбу мамлакат билан ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли ҳамкорлик ҳар икки давлатнинг узоқ муддатли манфаатларини эътиборга олган ҳолда ўзаро ҳурмат асосида йўлга қўйилган.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорлик деярли барча йўналишлар — сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда изчиллик билан жадал ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Куни кеча Тошкентда бўлиб ўтган икки давлат ишбилармон доираларининг бизнес-форуми ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтириш, янги, авваламбор, юқори технологиялар соҳасида фаолият кўрсатадиган қўшма корхоналар ташкил этишдан томонлар бирдай манфаатдор эканлигини яққол тасдиқлади.

2013 йилнинг тўққиз ойи яқунларига қўра, икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми 3,5 миллиард АҚШ доллари-дан ошди. Бу бутун 2012 йилдагидан анча кўпдир. Ўзбекистонда Хитой капиталли иштирокида тузилган 488 қўшма корхона муваффақиятли фаолият юритмоқда. 2002 йилдан буён Хитой сармояси иштирокида умумий қиймати 6,75 миллиард долларлик бир неча лойиҳа амалга оширилмоқда.

2012 йилдан Хитойга Ўзбекистон табиий газ мунтазам етказиб берилмоқда. Айни пайтда «Ўзбекистон — Хитой» газ қувурининг учинчи линияси барпо этилиб, тўртинчи линияси лойиҳалаштирилмоқда. Уларнинг ишга туширилиши Ўрта Осиёдан ХХРга табиий газ экспорти ва транзитини кенгайтириш имконини беради.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлигига оид бошқа масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ли Кэцян самимий қабул, ўзаро ҳамкорликнинг долзарб масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммоларни атрофлича муҳокама этиш имконияти яратилгани учун Президентимизга чуқур миннатдорлик билдирди.

(ЎЗА)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



2013 йил — Обод турмуш йили

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ МАҲСУЛОТЛАРИ НАМОЙИШИ

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да «UzAgroExpo — 2013» ҳамда «UzProExpo — 2013» IX халқаро иختисослаштирилган қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари кўргазмаси бошланди.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Фермерлар кенгаши, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар, Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмалари ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазмада Ўзбекистон, Хитой, Германия, Италия, Франция, Россия, Украина, Польша каби давлатлардан фирма ва компаниялар ўз маҳсулот ва хизматлари билан иштирок этмоқда.

Кўргазманинг очилишида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида қишлоқ хўжалиги ва саноат тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришга қаратилган илмий чора-тадбирлар иқтисодий-тизмизнинг янада юксалиб, халқимиз фаровонлиги ошишида муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон Фермерлари кенгашидан маълум қилишларича, мевасабзавот, гўшт ва сут маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, уларни қайта ишлаш борасидаги кенг қўламли ишлар самарасида 17 мингдан ортиқ фермер хўжалиги кўп тармоқли хўжаликка айлантирилган. 2013 йилнинг 9 ойида қарийб 400 фермер хўжалигида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш йўлга қўйилган.

Мамлакатимизда мевасабзавот, гўшт ва сут маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, уни қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш борасидаги ишлар самарадорлигини таъминлашда давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 31 октябрда қабул қилинган «2012-2015 йилларда республика озиқ-овқат саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори муҳим дастуруламал бўлаётди.

Мазкур қарорга мувофиқ янги корхоналарни қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш чоралари кўрилмоқда. Маълумотларга қараганда, 2013 йилнинг 9 ойида мамлакатимизда озиқ-овқат саноати корхоналари томонидан қарийб 5,8 триллион сўмлик маҳсулот тайёрланган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,6 фоиз кўпдир. 313,6 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилиниб, бу борада 2012 йилнинг шу давридагига нисбатан 43,5 фоиз ўсishга эришилган.

Мамлакатимиз иқтисодиётида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар самараси мазкур аъёнвий кўргазмада намоён бўлиб, мамлакатимизда тури ва сифатининг йилдан йилга ошиб бораётгани ҳам ўз ифодасини топишмоқда.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• «Конституция — бахтимиз пойдевори» кўрик-танловининг Самарқанд вилояти босқичи якунланди. Асосий Қонунимиз қабул қилинганлигининг 21 йиллиги муносабати билан ташкил этилган танловда умумтаълим мактаблари ўқувчилари Конституцияга оид билимларини турли кўргазмалар воситалари, иншоолар танлови ва ўзаро савол-жавоблар орқали намоён қилди. Танлов якунида ҳар бир йўналиш бўйича ғолиблар аниқланди ва мамлакат босқичига йўлланмани қўлга киритди.

• Гулистон шаҳрида нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга иختисослашган «Эъзоз нон» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. Янги корхонада кунига уч тонна ун қайта ишланиб, 17 турдаги нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Хориждан келтирилган замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхона кунига 5,5 минг дона нон ишлаб чиқариш қувва-тига эга. Қисқа муддатларда қуриб ишга туширилган корхонада асосан касб-хунар коллежларини битирган 15 нафар ёш иш билан таъминланди.

• Наманган шаҳар ҳокимлиги, шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, шаҳар прокуратураси, жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Шаҳардаги корхона, ташкилот ва муассасалар ўзларининг бир минг тўрт юздан зиёд бўш иш ўринлари билан иштирок этган ярмаркада 196 нафар, жумладан, 33 нафар касб-хунар коллежи битирувчиси ўз мутахассислиги бўйича ишга йўлланма олди.

• «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида мамлакатимиз энергетика тармоғида муҳим ҳисобланган кабель симлар ишлаб чиқаришга иختисослашган қўшма корхона фаолият бошлади. Мазкур завод 3 минг кВт.га-ча қувватига эга бўлиб, 2500 кв. кабель толаси ишлаб чиқаради. Янги корхона-нинг ишга туширилиши орқали маҳаллий аҳоли вакиллари 150 нафари доимий иш ўрни билан таъминланди.

ЖАҲОНДА

• АҚШнинг «Ford Motor Co» компанияси жорий йилда сотувга чиқарилган 1,6 ҳажмли двигател билан жиҳозланган «Ford Escape» русумли 161,3 минг дона автомобилни қайтариб оли-шини маълум қилди. Бунга ушбу машиналарнинг двигателларида ёнган юзага келиш ҳолати кўп учраётганли-ги сабаб бўлган. Аниқланишича, маз-кур муаммо автоуловларнинг ёнгин узатиш шланглари нотўғри ўрнатилган-и билан боғлиқ.

• Австралиялик оилалардан бири янги йилни рекорд натижа билан кут-тиб оладиган бўлди. Мамлакат пой-тахти Канберрада яшайдиган Ричард-лар оиласи ўз уйини 502 минг 165 дона чироқча билан безатди. Қишки байрамлар учун ажойиб тарзда беза-тилган уй «Гиннеснинг рекордлар ки-тоби»дан жой олди. Айни пайтда Ри-чардлар оиласининг уйига Австралия-нинг турли жойларидан меҳмонлар келишмоқда.

• Франциянинг йирик транспорт компанияларидан бири — «Mogu Ducros» банкротликка учраганини тас-диқлашини сўраб, судга мурожаат қилди. Ҳозирги кунда компания жуда оғир иқтисодий аҳволга тушиб қолган. Хусусан, сўнгги ҳисобот йилида қарийб 80 миллион евро миқдоридаги маблағ-ни бой берган.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

ҲАЁТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Халқимиз 21 йил муқаддам, 1992 йил 8 декабрда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилган эди. Халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари эътиборга олинган ҳолда ишлаб чиқилган Асосий Қонунимизда демократия ва ижтимоий адолат тамойилларига устувор аҳамият берилган. Муқаддимада Конституция Ўзбекистонда фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш қафолатланган ҳолда, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш учун қонуний асос сифатида қабул қилингани қайд этилган.



Конституция фуқароларимиз ҳаётида ҳам муҳим ўрин тутadi. Асосий Қонунимиз қабул қилинганнинг 21 йил-лиги арафасида ЎЗА мухбири айрим ҳамюртларимиз-нинг бу борадаги фикрлари билан қизиқди.

Нурбек РАСУЛОВ, «Қамаши» газетаси бош муҳарри-ри ўринбосари, Қашқадарё вилояти:

— Ўзбекистон ҳуқуқий демократик давлат қуриш йў-лидан оғишмай бормоқда ва бу жараёнда Конституциямиз алоҳида аҳамият касб этмоқда. Асосий Қонуннинг 29-мод-дасида мустаҳкамланган фикрлаш, сўз ва эътиқод эркин-лиги жамиятимизни демократлаштиришнинг асосий шарт-ларидан биридир. Конституциянинг оммавий ахборот вос-италари эркинлигини ва цензурага йўл қўйилмаслигини қафолатлайдиган 67-моддаси биз, журналистлар учун ай-ниқса муҳим аҳамиятга эга. Давлатимиз раҳбари Мамла-катимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиё-сий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, ахборот эркинлигини таъ-минлашдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва фикрларини, содир бўлаётган воқеаларга муноса-бати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга ай-

лантимасдан туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмаслиги-ни таъкидлаган.

Зухра АРЗИЕВА, Нукус туманидаги «Ток-тов» қишлоқ врачлик пункти мудири, Қорақалпоғистон Республикаси:

— Аҳоли саломатлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан биридир. Пухта ўйланган ушбу оқилона сиёсат, биринчи навбатда, инсонпарварлик ғояларига асос-ланган. Айни пайтда мамлакатимизни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш учун соғлом, ғайрат-шижоатли мутахассис-лар зарур. Келажаги буюк давлатни ҳар томонлама ривож-ланган, жисмонан соғлом баркамол авлодсиз барпо этиб бўлмайди. Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ри-вожлантириш, айниқса, қишлоқ врачлик пунктларининг мод-дий-техник базасини мустаҳкамлаш, жойларда меҳнат қи-лаётган тиббий ходимлари малакасини оширишга қаратилган улкан эътибор Ўзбекистонда фуқароларнинг Конституциями-зининг 40-моддасида мустаҳкамланган малакали тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи таъминланаётганидан далолат беради.

Нисо ХАЛИМОВА, Тошкент шаҳри Мирзо Улугбек ту-манидаги 14-балаalar мусика ва санъат мактаби ўқитув-чиси:

— Ўсиб келаётган ёш авлод таълим-тарбиясига катта эъти-бор қаратилаётган давлатда ҳар доим тинчлик-осойишталик

ошириш: муаммо ва ечимлар» мав-зусига бағишланди.

✓ **БУГУН** Тошкент тижорат ва тadbиркорлик касб-хунар колле-жида «Ёшларни кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик соҳасига кенг жалб этиш» мавзусида се-

минар ташкил этилди.

✓ **БУГУН** Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактабида «Конституция — инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий қафолати» мавзусида ил-мий-амалий семинар бўлиб ўтди.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** «Қатағон қурбонлари хотираси» музейида Конституция-мизнинг 21 йиллигига бағишлаб

«Конституция — миллий анъаналаримиз, халқимизнинг бебаҳо қадриятлари ҳимоячиси» мавзусида маданий-маърифий тadbир ўтказилди.

✓ **КЕЧА** Миробод туманидаги 110-умумтаълим мактабида бўлиб ўтган тadbир «Таълим сифатини

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

ҲАЁТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шухрат БАРОТОВ, Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги «Очил Барот» фермер хўжалиги раҳбари:

— Мамлакатимиз мустақилликка эришиб, ўз Конституциямизнинг қабул қилинган ҳалқимиз турмуш тарзи ва тафаккурини тубдан ўзгартирди. Иқтисодийнинг сиёсатдан устунилиги белгилангани, режали хўжалик юритиш усулидан бозор муносабатларига ўтилгани Ўзбекистон фуқароларининг иқтисодий фаолиятида янги имкониятлар очиб берди. Бунинг самарасида қишлоқда мулкдорлар синфи — фермерлар пайдо бўлди. Ер ўз эгасини топди. Бунинг натижасида экинлар ҳосилдорлиги ва умуман, қишлоқ хўжалиги самарадорлиги ошди. Зеро, биз, фермерлар бозор муносабатларининг тенг ҳуқуқли азсолоғимиз ва қўлаётган меҳнатимиз учун иқтисодий даромад олмақдамиз. Мен ҳам сидқидилдан меҳнат қилиб, фермер хўжалигимни ривожлантириш орқали Ватанимиз тараққиётига ўз ҳиссамни қўшмоқдаман ва шу билан бирга, фарзандларимнинг муносиб ҳаёт кечириши ҳамда порлоқ келажагини таъминлашга интилоқдаман. Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида мустаҳкамланган иқтисодий фаолият эркинлиги ҳаётга татбиқ этилаётганининг амалдаги ифодасидир.

Фарҳод Тўраев, диншунос:

— Ўзбекистон — турли динга эътиқод қиладиган миллат ва элат вакиллари ахил-иноқ яшаётган мамлакат. Бу истиқлолнинг дастлабки қунардан мамлакатимиз демократик дунёвий давлат қуриш йўлини танлагани самарасидир. Конституциямизда дин ва диндорларни ҳурмат қилиш, диний эътиқодни фуқаролар ёки уларнинг қонуний бирлашмаларининг шахсий иши деб тан олиш, тенг ҳуқуқлилик ва эркинлик қафолати каби умумидемократик ҳамда инсонпарвар қадриятлар мустаҳкамланган. Президентимиз Ислам Каримов Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган байрам тантанасида таъкидлаганидек, энг катта бойлигимиз бўлмиш, жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги дўстлик ва аҳиллик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш энг устувор вазифамиздир.

Аббос ҚОДИРОВ, филолог, Тошкент шаҳри:

— Ўзбек халқи азалдан Ватан ҳимоясини муқаддас бурч деб билади. Бугун бу ҳар бир инсоннинг конституциявий бурчига айланди. Негаки, Асосий Қонунимизнинг 52-моддасида Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикасини ҳар бир фуқаросининг бурчи экани белгиланган. Бу йил мен ҳам Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафида йиғилик бурчимни ўтаганимдан хурсандман ва армияда хизмат қилиш ҳар бир йиғиликнинг ўз Ватани, оиласи, яқинларининг ҳимоячиси бўлиб шаклланишига ёрдам беради.

Роксана АРШАҚАН, Республика арман миллий маданий маркази «Эребуни» ансамблининг бадий раҳбари:

— Ватанимиз Ўзбекистонда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари ахил-иноқ яшамокда, мамлакатимиз ва халқимиз раванга йўлида самарали меҳнат қилмоқда. Ўзбекистон — умумий уйимиз ва кўп миллатли халқимизнинг Ватанидир. Зеро, Асосий Қонунимизнинг 8-моддасида Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади, дейилган. Арман миллий маданий марказида арман тили, арман халқининг тарихи, анъана ва урф-одатлари ўрганилади. Буни Конституциямизнинг 4-моддасида Ўзбекистонда истиқомат қиладиган барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилиниши қафолатланганининг ёрқин исботи, деб биламан.

**Бобур ОБИДОВ
ёзиб олди**

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ МАҲСУЛОТЛАРИ НАМОЙИШИ



(Давоми. Боши 1-бетда)

— Корхонамизда 2012 йили 14 хилда маҳсулот ишлаб чиқариладиган эди, — дейди Тошкент шаҳридаги «Сифатли сўт» масъулияти чекланган жамияти директори Хикмат Абзалов. — Юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш борасида яратилаётган кенг шароитлар туфайли қисқа фурсатда яна саккиз турдаги маҳсулот тайёрлашни ўлаштирдик. Биокөфир ва биосутнинг мевалар қўшилган турлари шулар сирасидандир. Ушбу кўргазманинг биринчи кунидек маҳсулотларимиз хариди бўлган бир қатор савдо корхоналари билан шартномалар имзоланди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур кўргазмада ўз маҳсулотини тақдим этаётган хорижий компаниялар сафи ҳам йилдан йилга кенгаймоқда. Бу уларнинг Ўзбекистон бозорига маҳсулот киритишга бўлган қизиқиши ортаётганидан далолатдир.

— Ушбу аънавий кўргазмада илк бор иштирок этаётган бўлсак-да, Ўзбекистондаги корхоналар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйганимизга анча бўлди, — дейди Германиянинг Plattenhardt with GMBH компаниясининг Марказий Осиёдаги вакили Ирина Салатина. — Масалан, 2012 йили Марғилон шаҳрида 1500 тонналик ситимиға эга полиз маҳсулотлари ва мева сақланадиган совутгични жиҳозладик. Автоматик бошқариладиган технологияларимиз ёрдамида яратилган микроклиматда беҳи, хурмо, олма, анор каби мевалар ва гулларни табиий ҳолда яхши сақлаш имконияти мавжуд.

Кўргазмада маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва етказиб берувчиларнинг замонавий технология ва ишланмалари — дўкон ва супермаркетлар учун автоматлаштирилган тизимлар, мева ва сабзавотни сақлаш қурилмалари, саралаш ва қадоклаш ускуналари, музлаткич камералари тадбиркорларда катта

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганнинг йиғирма бир йиллиги муносабати билан «Конституция — тадбиркорлик тараққиётининг қафолати» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

КОНСТИТУЦИЯ — ТАДБИРКОРЛИК ТАРАҚҚИЁТИНИНГ КАФОЛАТИДИР

Бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорлик ривож учун кенг имкониятлар эшиги очилиб, уларга ҳар томонлама қулай шарт-шароит яратилаётган экан, албатта бу мазкур соҳанинг иқтисодий таъминотидаги ўрни янада мустаҳкамлашга, ишбилармонларнинг эл-юрт фаровонлигини оширишга қўшаётган ҳиссаси салмоқли бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Ташкил этилган тадбирда тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш борасида яратилаётган янги имтиёзлар ва имкониятлар ҳақида сўз юритилди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бошқа соҳалар қатори мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, ушбу йўналишда олиб борилаётган кенг қўламли ишларнинг мақсади ҳамда мазмун-моҳиятини белгилла берувчи Асосий Қонундир. Конституция нормаларидан келиб чиққан ҳолда ўтган давр мобайнида бу борада бир нечта қонун ва қонун ости ҳужжатлари қабул қилинди. Уларни янада соддалаштириш мақсадида амалдаги қонунларга зарур ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш жараёни ва улар фаолиятига руҳсатномалар бериш тартиб-

таомиллари қисқартирилиб, фаолият юритишнинг ҳуқуқий асослари янада соддалаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 мартда қабул қилинган «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисоб-кўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисида»ги Қарорига асосан хорижий муассис тўғрисида юридик шахс рўйхатдан ўтказилган жойдан олинган лозим бўлган савдо реестридан кўчирмадаги етти талабдан тўрттаси қисқартирилди. Бундан ташқари тадбиркорлик субъекти томонидан таъсис ҳужжатларига тегишли ўзгариш киритиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб рўйхатга олиб борилаётган кичик бизнес субъектларини рўйхатдан ўтказиш учун тўланадиган давлат бож ставкаси энг кам иш ҳақи миқдорининг бир барабари миқдоридан белгиланган, давлат рўйхатдан ўтказишда нотариал тарзда тасдиқланган давлат таъсис ҳужжатларини тақдим этиш ҳақидаги талаб бекор қилинганлиги фаолиятини бошлаш механизмларини осонлаштиришга хизмат қиладиган таъкидланди.

Анжуман сўнггида йиғилганлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга мутахассислар томонидан жавоб олдилар. **Зиёда РАСУЛОВА**

Шу кунларда шаҳримизнинг барча маҳаллаларида маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш жараёни кетмоқда.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

МУНОСИБ НОМЗОДЛАР САЙЛАНМОҚДА

Шуни таъкидлаш кераки, бу йилги маҳалла фуқаролари йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловлари тартибли ва ҳар томонлама ташкиллаштирилган тарзда олиб борилаётган. Бу борада жойларда ташкил этилган кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳларнинг, қолаверса, сайловга вакил этиб рўйхатга олинган маҳалла фаолларининг ўрни алоҳида эътиборга олинади.

Бевосита жойларда ўтаётган сайловлар туфайли сайловчиларнинг ҳуқуқий маданияти ва фаоллиги ортиб бормоқда. Бу кучли фуқаролик жамияти сари қўйилганда даражада қадимлардан бери.

Сайловлар шаҳримизнинг ҳамма туманида жойлашган 55 та маҳаллада ҳам белгиланган тартибда олиб борилаётган. Шу кун ҳолатига қўра, тумандаги «Беҳизор», «Тарновобой», «Янги давр», «Катта Янгиобод», «Янги-нур», «Урта масжид», «Тараққиёт», «Қўйилқот» сингари қатор маҳалларда сайловлар ошқоралик ва муқобиллик тарзида ўтказилди. Бўлиб ўтган сайловларда ишчи гуруҳи ва кўмаклашувчи комиссиялар томонидан таъсис этилган номзодларнинг энг мақбули танланиб, маҳалланинг кейинги ривожига замин яратилди.

Бу йилги сайловларда вакиллар томонидан бўлажак раиснинг маълумоти, иш тажрибасига, айнакча, унинг маҳалла фуқаролари орасидаги обрўсига, маҳалланинг тинчлиги ва оқилолигига, ободлиги йўлида олиб борган ва олиб борадиган ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қатор маҳаллаларда раислар ва унинг маслаҳатчилари янгитдан сайлангани фикримиз далилидир.

киритиш талаби бекор қилинди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги масъул ходими Учун Ҳақимов. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисидаги Низомга қўшимча сифатида тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатишда давлат солиқ хизмати органнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз йўқлиги тўғрисидаги маълумотномаси ўрнига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз йўқлиги тўғрисидаги ҳулоса қабул қилиниши тартиби жорий этилди.

Матбуот анжуманида адлия органлари томонидан туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияларида кичик бизнес субъектларини рўйхатдан ўтказиш учун тўланадиган давлат бож ставкаси энг кам иш ҳақи миқдорининг бир барабари миқдоридан белгиланган, давлат рўйхатдан ўтказишда нотариал тарзда тасдиқланган давлат таъсис ҳужжатларини тақдим этиш ҳақидаги талаб бекор қилинганлиги фаолиятини бошлаш механизмларини осонлаштиришга хизмат қиладиган таъкидланди.

Анжуман сўнггида йиғилганлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга мутахассислар томонидан жавоб олдилар. **Зиёда РАСУЛОВА**

Тадбирлар

БАХТИМИЗ ҚОМУСИ

Шаҳримизнинг барча туманларида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллиги муносабати билан турли тадбирлар, учрашувлар ва давра суҳбатлари бўлиб ўтмоқда.

Маънавий тарғибот маркази Яққасарой туман бўлими томонидан АТИБ «Ипотека» банкда уюштирилган тадбир «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий қафолати» деб номланди.

Тадбирда сўзга чиққан Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети давлат ва ҳуқуқ асослари кафедраси доценти Шоира Авазова, Маънавий тарғибот маркази туман бўлими раҳбари Баҳодир Юсуповлар Асосий Қонунимиз моддаларида инсон ҳақ-ҳуқуқлари, онгини, қадр-қиммати муҳофазасига аниқ қадрият сифатида муҳим эътибор қаратилганлиги, бинобарин Конституциямиз мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси учун бутун ҳаёти давомида дастуруламал ҳужжат бўлиб қолиши ҳақида батафсил тўхталиб ўтдилар.

«Конституция — бахтимиз қомуси» мавзусидаги тадбирлар тумандаги мавжуд корхона, ташкилот ва таълим муассасаларида бўлиб ўтмоқда.

ЖАМИЯТ РИВОЖИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Бектемир туманидаги 293-мактабда бўлиб ўтган тадбир ҳам Конституциянинг 21 йиллигига бағишланди.

Тадбирда Маънавий тарғибот маркази Бектемир туман бўлими раҳбари Д.Мусаева, ХТМФМТ ва ТЭБ мудири Ш.Мавлонов, маънавий-ахлоқий тарбия бўйича шўба раҳбари Ш.Назаралиев, «Рохат» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Т.Чуланов ва бошқалар сўзга чиқиб, Конституциянинг аҳамияти ва ҳаётимиздаги тугган ўрни, ёшларимизнинг ҳуқуқ ва бурчлари, Ватанга муносиб фарзандлар бўлиб етишишида етарлилик билим ва малакага эга бўлишлари ҳақида фикр юритдилар.

Тадбир доирасида ўқувчилар Конституция моддалари бўйича билимларини намойиш этиб, Бош Қомусимиз ҳақидаги шеърларни ифодали ўқиб бердилар. Тадбир учун тайёрланган махсус слайдлар иштирокчиларга тақдим қилинди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

КОЛЛЕЖДАГИ ДАВРА СУҲБАТИ

Адлия вазирлиги қошидаги Тошкент юридик коллежида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган давра суҳбати «Фаровонлик пойдевори» деб номланди.

Тошкент юридик коллежининг «Конституциявий ҳуқуқ» кафедраси ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбирда Олий Мажлис депутатлари, давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Давра суҳбати давомида коллежнинг беш юз нафардан ортиқ ўқитувчи ҳамда ўқувчилари «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — инсон ҳуқуқ ва эркинликлар қафолати», «Конституциямизнинг ўзига хос хусусиятлари», «Конституциянинг жамият ҳаётидаги ўрни» мавзуларида маърузалар тинглаш имкониятига эга бўлдилар.

Сўзга чиққанлар томонидан Конституция — ўзбек халқининг озодлик, эрк ва мустақиллик йўлидаги интилиши, халқнинг бор имконияти ва салоҳиятини ишга солиш, жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, иқтисодий ва сиёсий муносабатларни демократлаштириш, суверен давлатнинг ҳуқуқий асосларини яратишда дастуруламал вазифасини ўтаганлиги алоҳида таъкидланди.

Тадбирнинг эътиборли тамони шундаки, жонли мулоқот орқали ўқувчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишди.

Давра суҳбати сўнггида жорий йилнинг 30 ноябрь кунини Конституциямизнинг 21 йиллиги муносабати билан коллежда ташкил этиладиган викторинани ноънавий тарзда ўтказиш юзасидан тақлим ва мулоҳазалар билдирилди.

**Тўрабек Тўраев,
ТЮК «Конституциявий ҳуқуқ»
кафедраси ўқитувчиси**

ЁШ ЖУРНАЛИСТЛАР АНЖУМАНИ

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетида «Замонавий дунёда бизнинг журналистикамиз истиқболлари» мавзусига бағишланган амалий анжуман бўлиб ўтди.

Аънаёга айланган ушбу тадбирда факультетнинг профессор ўқитувчилари, таникли журналистлар ва талабалар иштирок этишди.

Конференция доирасида факультет талабаларининг йил давомида турли тахририят, ахборот агентликлари, телерадиоканалларида олиб борган амалиётлари муҳокама қилинди. Ёш журналистлар ўтган йилги фаолияти натижаларига қўра турли номинациялар бўйича тақдирланди. «Олтин қалам», «Олтин микрофон», «Энг яхши интернет журналистикаси» номинациялари бўйича ғолиб топилган талабаларга эсдалик совғалари топширилди.

Анжуманга таширф бўлган малакали журналистлар, турли нашрларнинг муҳаррирлари билан давра суҳбатлари ташкил этилди. Улар соҳага эндигина кириб келган талабалар учун ўзларининг тавсиялари ва маслаҳатларини бериб, амалиёт машғулотлари ўтказдилар. Тадбир якунида талабаларнинг республикамиз вилоятларидаги телеканалларда ўтаган ёзги амалиётларидан лавҳалар намойиш этилди.

Бундай илмий конференцияларнинг ўтказилиши албатта талабаларнинг билим ва маҳоратлари ошишига хизмат қилади.

**Моҳларойим ҚАЮМОВА,
ЎзДЖТУ талабаси**

ЖУРНАЛ

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Икким».
7.05 «Кўнгил қўшиқ истаиди».
7.20 Миллий сериал: «Умидингги сўндирма».
8.00 «Ахборот».
8.40 «Тонгги газета», Т/с.
9.30 «Истиқлол фарзандлари».
9.45 «Саломатлик сирлари».
10.00 «Робин Гуд», Т/с.
10.50 «Чатгинтоннинг қувнок паровозчалари», М/с.
11.00 «Ахборот».
11.10 «Батанпарвар».
11.55 «Икким».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Кўнгил қўшиқ истаиди».
13.05 «Доктор Хаус», Т/с.
14.00 «Ахборот».
14.15 «Зиё» студияси: «Этиқод мустақиллиги йўлида».
14.35 Миллий сериал: «Ўзи уйланимаган сови».
15.10 «Тараққиёт дастури».
15.10 «Ўзбек кинос: «Ўтов»».
17.00 «Ахборот».
17.10 «Яхши дам».
17.25 «Ифтихор».
17.30 «Эркин фикр».
17.40 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».

18.00 «Кўнгил қўшиқ истаиди».
18.15 «Аёл ва замон».
18.35 «ТВ - шифокор».
18.40 «Доктор Хаус», Т/с.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.05 «Навоий бустонидан».
20.10 «Опа-сингил Элиотлар».

21.00 «Ахборот».
21.40 «Муносабат».
22.10 «Марпл хоним», Т/с.
22.55 «Кўнгил қўшиқ истаиди».
23.10 - 23.35 «Коинот», Х/ф.
23.35 Кўрсатувлар дастури.

23.40 «Аёл ва замон».
00.00 «Қўриққозлар».
00.25 Миллий сериал: «Ўзи уйланимаган сови».
1.00 «Ахборот» /рус/.
1.30 ТелеТест: «Бор», 1-қисм.
2.05 «Истиқлол фарзандлари».
2.20 «Шарк тароналари».
2.30 «Ватанпарвар».

3.10 «Ассалом, Ўзбекистон!»
4.00 «Ахборот».
4.40 Миллий сериал: «Умидингги сўндирма».
5.15 «Саломатлик сирлари».
5.30 «Яхши дам».
5.45 - 5.55 «Хива: Нафосат тиллолари».

Ёшлар

6.00 «Ватан меҳри».
6.10 «Таранг».
7.00 «Мультипанорама».
8.00 «Зимистон», Т/с.
8.50 «Ёшлик навоилари».
9.10 «Аёл қалби», Т/с.
9.50 «ЎЗЕХ».
10.00 «Камолот-инфо».
10.10 «Орзулар фасли», Т/с.
10.50 «Барақитлик йўлида».
11.10 «Эро эълони», 1-қисм.
11.30 «Кинг-шоу».
12.00 «Колумбо», Т/с.
12.50 «ЎЗЕХ».
13.00 «Давр».
13.10 «Муҳизавий дунё».
14.00 «Индаба», Т/с.
14.50 «Ёшлик навоилари».
15.10 «Хайт-мамот», Т/с.
16.00 «Давр».

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Икким».
7.05 «Кўнгил қўшиқ истаиди».
7.20 Миллий сериал: «Умидингги сўндирма».
8.00 «Ахборот».
8.40 «Тонгги газета», Т/с.
9.30 «Эркин фикр».
9.40 «Навоийнинг англаш».
9.55 «Икким».
10.00 «Робин Гуд», Т/с.
10.50 «Чатгинтоннинг қувнок паровозчалари», М/с.
11.00 «Ахборот».
11.10 «Опа-сингил Элиотлар».
11.55 «ТВ-шифокор».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Кўнгил қўшиқ истаиди».
13.05 «Тезкор хабарлар».
13.15 «Доктор Хаус», Т/с.
14.00 «Ахборот».
14.15 «Ўстурлоб».
14.35 Миллий сериал: «Ўзи уйланимаган сови».
15.10 «Корачик».
15.30 «Худудлардан хабарлар».
16.00 «Муносабат».
16.30 «Ахборот» /рус/.
16.40 «Рангин дунё».
17.00 «Ахборот».
17.10 «Куларнинг берида».
17.25 «Ифтихор».
17.30 «Икким».
17.35 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».
18.00 «Кўнгил қўшиқ истаиди».
18.15 «Мен ва У».
18.40 «Доктор Хаус», Т/с.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.05 «Навоий бустонидан».
20.10 «Опа-сингил Элиотлар».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Никого».
22.50 «Марпл хоним», Т/с.
22.55 «Кўнгил қўшиқ истаиди».
23.05 - 23.30 «Коинот», Х/ф.
23.35 Кўрсатувлар дастури.
23.40 «Мен ва У».
23.50 «Икким».
00.05 «Ўстурлоб».
00.25 Миллий сериал: «Ўзи уйланимаган сови».
01.00 «Ахборот» /рус/.
1.30 ТелеТест: «Бор», 2-қисм.
2.05 «Худудлардан хабарлар».
2.35 «Шарк тароналари».
2.45 «Рангин дунё».
3.05 «Ифтихор».
3.10 «Ассалом, Ўзбекистон!»
4.00 «Ахборот».
4.40 Миллий сериал: «Умидингги сўндирма».
5.10 «Корачик».
5.30 «Боқий Тошкент».
5.40 - 5.55 «Навоийнинг англаш».

Ёшлар

6.00 «Ватан меҳри».
6.10 «Таранг».
7.00 «Мультипанорама».
8.00 «Зимистон», Т/с.
8.50 «Ёшлик навоилари».
9.10 «Аёл қалби», Т/с.
9.50 «ЎЗЕХ».
10.00 «Давр».
10.10 «Орзулар фасли», Т/с.
10.50 «Автопатруль».
11.10 «Зар замин», 2-қисм.
11.30 «Қўзғолди».
12.00 «Колумбо», Т/с.
12.50 «ЎЗЕХ».
13.00 «Давр».
13.10 «Муҳизавий дунё».
14.00 «Индаба», Т/с.
14.50 «Ёшлик навоилари».
15.10 «Хайт-мамот», Т/с.

16.10 «Жийда гули», Т/с.
16.40 «Биз кимиз?»
17.00 «Камолот-инфо».
17.10 «Кўнгил қўшиқ истаиди».
17.40 «Мухаббат хамша голиб».
Б/ф. 1-қисм.
18.50 «ЎЗЕХ».
19.00 «Давр».
19.30 «Сўнмас севги», Т/с.
20.20 «Ёшлик навоилари».
20.40 «Келажак пойдевори».
20.50 «Эртақчи болаларлар».
21.10 «Зимистон», Т/с.
22.00 «Давр».
22.30 «Килин кирк ёриб», Т/с.
23.20 «Бу қандай ишлайди?»
00.20 «Ёшлик навоилари».
00.40 «Муҳизавий дунё».
1.00 «Пазанда».
3.00 «Давр».
3.30 «13-студия».
5.10 «Нахлалар», Т/с.
5.50 - 6.00 «Ифтихор».

Тошкент

6.00 «Мадхия».
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Телеахборот».
6.30 «Динбанди» тележурнали.
7.00 «Пойтахт».
7.20 «Анонс».

ДУШАНБА, 2

7.25 «Донлар биситидан».
7.30 Тошкент тароналари.
7.45 «Интеллектуал аукцион».
7.55 «Анонс».
8.00 «Салом, Тошкент!»
9.00 «Саргузаштлар ороли».
9.25 «Анонс».
9.30 «Интервью».
9.40 Миллий сериал: «Махаллада шов-шув гап», 18-қисм.
10.00 «Анонс».
10.10 «Ўйларим».
10.15 «Конун доирасида».
10.30 «Пойтахт», /Рус тилида/.
10.40 «Анонс».
10.45 «Хотира саодати», Б/ф.
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Дунё» теледастури.
14.55 «Анонс».
15.00 «Пойтахт».
15.15 «Таянч нуқтаси».
15.40 «Тенгдошлар».
15.55 «Анонс».
16.00 Тошкент тароналари.
16.15 Мультисериял: «Ғарбга савҳат».
49-қисм.
16.40 «Бизнес-пайтахт».
16.50 «Икки тақдир», Т/с. 87-қисм.
17.10 «Интеллектуал аукцион».
17.20 «Эко-пайтахт».
